

## **Китоб - маънавият ойнаси**

2021 йил 7 апрел куни “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетининг 4 курс 403 - гуруҳ талабалари, гуруҳ мураббийи “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг катта ўқитувчиси М.Рахматалиев бошчилигида институтимизнинг Ахборот-ресурс марказининг 2-қаватида жойлашган Профессор-ўқитувчилар ўқув залида “Китоб-инсон маънавияти кўзгусидир” руқни остида ўтказиладиган “Китоблар кўргазмаси”га ташриф буюрдилар.



Ташрифи давомида кўргазмада ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар, шу жумладан, ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари билан танишиб чиқдилар. Ташириф жуда мазмунли бўлиб, талабалар ўзларига керакли бўлган маълумотлар билан танишдилар. Ташириф сўнгида гуруҳ мураббийи ва талабалар ташабbusi асосида гуруҳ мураббийи ҳамда ҳар бир талаба ўзининг шахсий кутубхонасидан институт кутубхонасига китоблар совға қилдилар. Ушбу ташабbusi билан чиққан гуруҳ мураббий ва талабалар институтимизнинг барча профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларидан ушбу ташабbusni қўллаб-қувватлаган ҳолда, барчани унда иштирок этишларига даъват этдилар.



**ТИҚҲММИматбуот хизмати**